

18. Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. – 2021.
19. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
20. Исаев Ф. (2022). Солиқ таҳлилинини ўрганиш зарурати. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
21. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.
22. Исаев, Ф. (2022). Ресурс солиқлари таҳлилинини ташкил этиш методикаси. // *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
23. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice // *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
24. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
25. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.



МОНОПОЛ КОРХОНАЛАРДА ДАРОМАДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Зурапов Али Уткирович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a23](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a23)

Аннотация: Ушбу мақолада республикамиз иқтисодиётида монопол ҳисобланган корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда иқтисодиётдаги ижобий томонлари ёритиб берилган. Шунингдек, технологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда даромадларни шакллантириш тартиби ва ҳисобини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: табиий монополия, даромадларни тан олишнинг “ҳисоблаш” усули, “касса” усули, маҳсулот сотишдан кўрилган даромад, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолият даромадлари, фавқуллода даромадлар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОРЯДКА ФОРМИРОВАНИЯ И УЧЁТА ДОХОДОВ В МОНОПОЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Зурапов Али Уткирович -

Ташкентский государственный экономический
университет, соискатель

Аннотация: В данной статье раскрывается специфика предприятий, которые являются монополистическими в экономике нашей республики, а также ее положительные аспекты в экономике. Также были разработаны предложения по совершенствованию процедуры и учета формирования доходов на основе технологических характеристик.

Ключевые слова: естественная монополия, методы признания дохода «метод начисление» и «кассовый метод», доход от реализации продукции, прочие доходы от основной деятельности, доход от финансовой деятельности, чрезвычайный доход.

IMPROVING THE PROCEDURE FOR THE FORMATION AND ACCOUNTING OF INCOME IN MONOPOLY ENTERPRISES

Zurapov Ali Utkirovich -

Tashkent State University of Economics, candidate

Abstract: This article reveals the specifics of enterprises that are considered monopolistic in the economy of our republic, as well as its positive aspects in the economy. Also, proposals have been developed to improve the procedure and accounting of income formation based on technological characteristics.

Keywords: natural monopoly, methods of income recognition "accrual method" and "cash method", income from sales of products, other operating income, income from financial activities, extraordinary income.

Кириш. Жаҳон амалиётида монопол корхоналар тизимида харажатларни бошқариш, моддий харажатларнинг таркибий таҳлили, бошқарув ҳисобини ташкил этиш, харажатларни бошланғич ҳисоб хужжатлари маълумотларини умумлаштириш, харажатларни бошқариш ва

ҳисобга олишда ахборот-таҳлил маълумотлар базасини ўрганиш, кам харажатли юқори самарадор лойиҳалар ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда йиллик инфляция даражасини 9 фоизгача ва 2023 йилда 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилиши, бунда, «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилиши.

Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига нефть-газ маҳсулотларини узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш, кимё ва газ-кимёси соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга етказиш орқали кимё саноатида 2 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқариш, машинасозлик, кимё, нефть-газ, энергетика, кон-металлургия, транспорт каби тармоқлардаги 23 та йирик корхона халқаро кредит рейтингларини олиш орқали ички ва ташқи молиявий бозорларга мустақил чиқиб, инвестиция лойиҳалари учун ўзи маблағ жалб қилишини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш.[2]

Албатта, бундай устувор вазифаларни бажаришда амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизими миллий стандартларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириб, бухгалтерия ҳисоби маълумотидан фойдаланувчилар талабини қондириш мақсадга мувофиқдир. Йўл харитасида келтирилган машинасозлик, кимё, нефть-газ, энергетика, кон-металлургия, транспорт каби соҳа субъектлари давлат реестрининг биринчи иловада келтирилган табиий монопол тармоқлари ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Республикамиз иқтисодчи олимларидан Н.Б. Абдусаломова, А.А. Каримов, Ф.Р. Исломов, А.З. Авлоқулов, Б.А. Хасанов, Н.Э. Бабахалов, М.Б. Калонов, Р.О. Холбеков каби олимларнинг илмий асарларида даромадлар ва харажатларни бошқариш ҳамда ҳисобини такомиллаштириш масалаларининг услубий ва амалий жиҳатлари ўз аксини топган [6, 7, 8, 9, 10].

“Монополия” атамасининг кўплаб таърифлари мавжуд. Масалан, Россия давлатининг иқтисодиёт фанида келтирилишича, бу бозор ҳолати бўлиб, унда давлат ёки корхонанинг

иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун мутлақ ҳуқуқ мавжудлиги мустақил равишда, ҳисобга олинмаган ҳолда белгиланади.

Монополия тўғрисида қайси бир олимлар ижобий, қайси бирлари салбий. Р. Познер фикрича, Монополия (грекча “μονο”- “бир” [11] ва “πωλέω”- “сотаман”) – бу бозор тизимида йирик корхоналарнинг бир ва бир неча маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳамда сотилишини назорат қилишидир, бу ер рақобат бўлмайди. Монопол корхоналар даромад олишлари аниқ, чунки хоридорлар танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Г.С. Вечканов, Г.Р. Вечканованинг фикрларича, “Монополия — бозор тузилмасининг бир тури бўлиб, унда маълум бир маҳсулот ишлаб чиқаришнинг яқин ўринбосари бўлмаганлиги сабабли ягона сотувчи ҳисобланади. Монополия ҳукмрон бўлган бозор - бу товарларнинг сотишда кўплаб таклиф қилувчи рақобатчилар мавжуд бўлган рақобатбардош бозорга мутлақо зиддир [12].

Рақобат сиёсатининг мақсади сотилган маҳсулотлар ёки кўрсатилган хизматлар учун нархларни белгилаш механизмига сезиларли таъсир кўрсатишидир. Айрим ҳолларда “Монополия” атамасини бозорнинг сифат кўрсаткичи маъносида ҳам тушунилади. Ёки сиёсий атамалар тизимида нисбатан “демократия” сўзи билан бир хил. Бундан ташқари, баъзи экспертлар “Монополия” атамасини маълум хусусиятлар билан тавсифланган бозорнинг синоними сифатида ишлатишади. “Монополия” атамасининг бундай талқинларидан ташқари, ушбу ҳодисанинг моҳиятини белгилайдиган бошқа назарий тушунчалар ҳам мавжуд. Масалан, монополия деганда у ёки бу бозор сегментини бошқаришда устуворлик билан тавсифланган ягона компания тушунилиши мумкин.

Умуман олганда, “Монополия” атамасини қуйидагича тушуниш мумкин:

- бозор ҳолати ёки унинг ҳар қандай сегментлари - саноат, минтақавий ягона иштирокчи ёки етакчининг мавжудлиги;
- ягона ўйинчи ёки етакчи бўлган компания;
- етакчи фирма ёки ягона етказиб берувчи мавжуд бўлган бозор.

Тармоқнинг ўзига хослиги, етакчилиги ёки бозорнинг тегишли хусусияти аниқланадиган жуда кўп мезонлар мавжуд. Масалан, айрим мутахассис олимлар бозорда рақобат мавжуд бўлмаганда асосан “Соф монополия” сўзидан фойдаланишни афзал кўрадилар.

Иқтисодчилар орасида бозорни бошқариш воситаларини қўлга киритиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирган фирмалар – “монополистик бирлашмалар” нинг бизнесда бўлишига рухсат бериш қонуний деб ҳисоблайди. Бозор ёки хўжалик юритувчи субъектни монополия

деб тан олишнинг шубҳасиз мезонларидан бири бу рақобат даражасидир. Кўриб чиқиладиган жараён минимал ёки рақобатсиз қайд этиш қонуний деб ҳисоблайдиган иқтисодчилар бор. Лекин ҳар доим ҳам шундай эмас. Шундай назариялар мавжуд бўлиб, улар доирасида у ёки бу турдаги рақобатга рухсат берилади. Бу ҳолда монополия корхоналар ўртасидаги худди шундай рақобатли курашнинг натижаси бўлиши мумкин, бунинг натижасида ғолиб бозор устидан сезиларли даражада назоратни олади.

Айрим иқтисодчилар монополиянинг куйидаги асосий турларини ажратадилар: ёпиқ, очиқ ва табиий. Ёпиқ монополияларга рақобат даражаси асосан амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан чекланган бозорлар киради.

Тегишли сегментларга кириш учун корхоналар кўпинча қиммат ва мураккаб лицензиялар, патентлар ва рухсатномаларни олишлари керак. Кўпчилик иқтисодчилар олимлар монополиянинг бундай турини ривожланган иқтисодиёт учун зарур деб ҳисоблайдилар, чунки улар орқали миллий иқтисодий тизимлар учун асосий бўлган сегментларни ҳимоя қилиш мумкин. Масалан, почта хизмати ёки газ саноати. Табиий монополияларнинг пайдо бўлиши асосан бозорнинг табиий ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, унда даромадли бизнесни юритиш фақат йирик молиявий ёки инфратузилма ресурсларига эга бўлган ягона компания ёки жуда йирик ўйинчи мақомига эга бўлган тақдирдагина мумкин бўлади. Шу билан бирга, кичик ўйинчилар самарали бизнес моделлари доирасида ишлаш олмайдилар ва натижада, улар ўз фаолиятини тўхтатадилар ёки асосий активларини монополия мақомидаги корхоналарга сотадилар ва улар билан бирлашадилар. Монополия нима эканлигини, иқтисодчилар олимлар томонидан билдирилган фикрлар асосида атамани маълум бир компания ёки тармоқ сифатида кўриш мумкин. Шу муносабат билан бир эътиборга молик далилни қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Табиий монополия” атамаси кўпинча битта корпорацияга нисбатан қўлланилади.

Дунёда даромадларни тан олишнинг икки усули бўлиб, биринчиси “ҳисоблаш” усули ва иккинчиси “касса” усули деб аталади [13]. Ҳисоблаш усулида маҳсулот харидорга ортиб жўнатилиши ва счёта фактура расмийлаштирилиши биланоқ сотилган ҳисобланиб, даромад сифатида тан олинади. Касса усулида эса харидорга ортиб жўнатилгандан кейин маҳсулотнинг пули келиб тушган қисми сотилган ҳисобланиб, даромад сифатида тан олинади. Ҳозирда республикамиз иқтисодиётида корхоналараро ҳисоб-китобни амалга ошириш учун фақат “ҳисоблаш” усулидан фойдаланишга рухсат берилган [5].

“Ҳисоблаш” усулини қўллашдан мақсадлардан бири Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг халқаро яқинлаштириш, иккинчиси бу соҳада такомиллаштирилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларига мос келишини таъминлаш, учинчиси корхоналараро ҳисоб-китобни амалга оширишда дебеторлик ва кредиторлик қарзларининг муддатини камайтиришдир. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, молиявий ҳисоботнинг “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”дан ташқари, барча ҳисоботлар ҳисоблаш усули орқали амалга оширилади [1].

“Касса” усулини қўллаш фақатгина “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”да қўлланилади. Тайёр маҳсулотни сотиш бўйича молиявий натижаларни аниқланганда ҳисоблаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Харидорлардан сотилган маҳсулотлар учун келиб тушадиган пул маблағлари оқимини аниқлашда касса усули қўлланилади.

Америкалик олимлар А. Аренс ва Дж. Лоббеклар молиявий натижаларга таъсир кўрсатувчи омилларга асосланиб фойдага “...даромадларнинг кўпайиши ҳисобидан ёки харажатларнинг камайиши ҳисобидан амалга оширилади” деб таъриф беришган. Мазкур олимлар фойдани операция ва молиявий гуруҳларга бўлишга ҳаркат қилганлар [14]. Я.В. Соколов мазкур ғояни ривожлантириб бундай фойдани аниқлаш учун ушта шартни илгари сурди:

- жорий йилда кутиладиган фойдани олиш эҳтимоли юқори бўлаганда;
- кутиладиган пул тушуми юқори аниқлик билан ҳисобланиши мумкин;
- кутиладиган харажатлар юқори репрезентативлик билан ҳисобланади [15].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мақолада аҳолининг миграцияси, унинг аҳамияти илмий мушоҳада, абстракт-мантикий, тизимли таҳлил, анализ ва синтез тамойиллари асосидаги усуллардан фойдаланиб ҳамда, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлилидан фойдаланилган ҳолда муаммолар аниқланиб, муаммоларнинг ечими сифатида илмий асосланган таклифлар берилган.

Таҳлил ва натижалар. Республикамизда иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврида монопол корхоналарнинг мавжуд ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш ва бунинг натижасида дунё бозорига рақобатбардош маҳсулот билан чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда «юқори сифат, нисбатан пастроқ нарҳда» шиорини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Дунё бозоридаги рақобат ҳозирги кунда шунга олиб келдики, бозор иштирокчилари ўз маҳсулотларининг таннархидан

пастроқ нархларга сотишларига тўғри келмоқда ва бундай ҳолатда пировард мақсад, фойда олишга фақатгина маҳсулот сифатига зарар етказмаган ҳолда харажатларни тежаш орқали эришилади. Харажатларни тежашга эса, улар содир бўладиган ҳар бир босқич имконияти пухта ўрганилиб, улардаги резервларни жалб этиш ҳисобига амалга оширилади.

Ҳисоб тизимининг асосий мақсади, оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлайдиган ахборот тизимига эга бўлишдир. Ушбу ахборот манбалари эса, корхона қуйи поғонасидан бошлаб шакллана бошлайди. Шу ўринда, шаклланаётган ахборотни гуруҳлаб, бирламчи қайта ишлаб, кейинги поғонага узатиш ҳамда бошқарув самарасини оширишнинг таъсирчан воситаларидан бири, корхонанинг ташкилий тузилмаси ичида молиявий жавобгарлик марказларини яратишдир. Корхонани молиявий жавобгарлик марказлари орқали бошқариш бизнесни тезкор бошқармоқчи ва унга таъсир этмоқчи бўлганлар учун восита бўлиб, у:

- корхона ривожланишининг йўналиши ва суръатлари ҳақида мунтазам тасаввурга эга бўлиш ва ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатиш;
- яқуний натижага нима ҳисобидан эришилганлиги, амалда ким бунга ҳаракат қилганлигини тушуниш;
- корхонанинг қайси бўғинлари ҳаракатни секинлаштираётганлигини билиш;
- компаниянинг энг самарали жойларини, унинг заифроқ қисмларини аниқлаш ва уларга таъсир кўрсатиш орқали энг катта самарага эришиш каби мақсадларда ишлатилади.

Монопол корхоналар фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан ва унга баҳо берадиган асосий мезон кўрсаткичларидан бири ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатидир. Корхоналар даромадга таъсир этувчи омил бу биринчи ўринда сифат кўрсаткичидир. Сифатсиз маҳсулот албат-

та, корхона даромадига салбий таъсир кўрсатади.

Амалда қўлланилиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ харажат таркибига кирадиган моддалар таркибига ўзгаришлар киритилди. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар таркибини аниқлашдан мақсад - бухгалтерия ҳисоби счётида жами харажатлар тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларга эга бўлиш, корхона фаолиятини рентабеллиги ва бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлилигини аниқлаш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашдир [3].

Маҳсулот сифатини яхшилашга кетган ва таннархига киритиладиган харажатлар таркибини аниқлаш ва уларни таҳлил қилишда қуйидагиларни бажариш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- таннархни пасайтириш бўйича белгиланган режани бажарилиши ва динамикасини назорат қилиш;
- таннархни ўзгариш сабабларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни яъни сифатнинг миқдорга таъсирини тўғри аниқлаш;
- айрим турдаги маҳсулот сифатини яхшилаш сарфланган таннарх харажат моддалари бўйича таҳлил қилиш;
- маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархни пасайтириш имкониятларини излаб топиш;
- маҳсулот таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат) сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантиришда тармоқ хусусиятларидан келиб чиқувчи илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.

Жадвал

Ишлаб чиқариш харажатларининг йўналишлари ва уларни таснифлашнинг эҳтимолий тури

№	Ҳисобнинг йўналиши	Таснифлашнинг эҳтимолий усули
1.	Маҳсулот захираларининг қийматини аниқлаш учун	<ul style="list-style-type: none"> • ҳисобот даври ва маҳсулот таннархи сарфлари • маҳсулот ишлаб чиқариш сарфларининг таркибий қисмлари • харажатларнинг буюртма бўйича ва жараёнлар бўйича калькуляцияси
2.	Қарорлар қабул қилиш учун	<ul style="list-style-type: none"> • харажатлар динамикаси • келгуси давр харажатлари ва ўтган давр харажатлари • бартараф этиладиган ва бартараф этилмайдиган харажатлар • қайтариб бўлмайдиган сарфлар • фараз қилинган сарфлар • чегаравий сарфлар
3.	Назорат ва бошқарув учун	<ul style="list-style-type: none"> • бошқариб бўладиган ва бошқариб бўлмайдиган харажатлар • харажатлар динамикаси

Баъзи муаллифлар ишлаб чиқариш харажатларини умумиқтисодий ва режали-ҳисоб белгиларига кўра таснифлашни таклиф этадилар. Харажатлар таснифи маҳсулотни ишлаб чиқаришга нисбатан турлича эканлигини акс эттириш ва уларнинг турларини белгилашга имкон беради. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларини таснифлашнинг кўпгина усуллари мавжудлигига қарамай, улардан бирини намуна сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин эмас.

Таснифлаш усули маълумотдан фойдаланиш мақсадига ва ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос хусусиятига боғлиқдир. Бу борада кўплаб иқтисодчи олимлар фикр билдирганлар. Россиялик иқтисодчи олим Алборов Ролан харажатлар ҳисобининг йўналишидан келиб чиқиб, таснифлашнинг эҳтимолий туридан фойдаланиб, қуйидаги йўналишларини ва уларнинг эҳтимолий таснифларини таклиф этади [16].

Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини яхшилаш харажатлари ҳисоби юритиладиган йўналиш – ишлаб чиқариш харажатларининг алоҳидаланган ва мақсадли ҳисобини талаб этувчи фаолият соҳасидир. Яъни бухгалтерия маълумотларининг фойдаланувчилари бирор сарф-харажат ҳақида ниманидир билиб олмоқчи бўлсалар, айнан шу нарсанинг ўзи ҳисоб йўналиши бўлади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини яхшилаш харажатлари ҳисобининг йўналишига маҳсулот таннархи калькуляцияси, сотиш бўлими таъминоти сарфлари калькуляцияси, яъни амалда бирор-бир мансабдор шахнинг ишлатилган захираларни баҳолаш заруратини юзага келтирадиган ҳолатлар мисол бўлиши мумкин.

Моддий сарфларни қисқартиришга алоҳида эътибор бериш лозим, чунки улар барча ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини яхшилаш харажатларининг 50-80 % қисмини ташкил этади. Бу харажатлар қиймати четдан сотиб олинган хомашё, материаллар, ёқилғи, энергиянинг барча турлари, сотиб олинadиган бутловчи буюмлар ва яримтайёр маҳсулотлар, бошқа корхоналар бажарган ишлаб чиқариш туридаги ишлар ва хизматлар, моддий захираларнинг табиий камайиш меъёрлари доирасида камомати оқибатидаги йўқотишлар қийматидан таркиб топади. Бундан ташқари, моддий сарфлар таркибига ускуналар, жиҳозлар, лаборатория ускуналари ва асосий фондларга киритилмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг ҳисобланган эскириши қийматлари ҳам киради.

Маълумотнинг мақсади ва уни тақдим этишнинг даврийлиги мезони ҳам ажратиб кўрсатилиши лозим. Аввал кўрсатилгани каби сарфлар тўғрисидаги маълумотлар уч асосий йўналишда аниқланади. Уларнинг ичида маълумот олиниши махсус мўлжалланиши мумкин. Демак, маълумот мақсади ва уни тақдим этишнинг

даврийлиги мезони ҳам мустақил мезон каби ажратиб кўрсатилиши керак. Субъектларнинг ноишлаб чиқариш йўқотишларини ва зарарларини камайтиришга интилиши захираларни аниқлашга, хусусан, меҳнат, моддий ва хомашё захираларидан оқилона фойдаланишга асосланган. Профессор Р.О. Холбеков ишлаб чиқариш харажатларининг мақсад ва йўналишига қараб гуруҳлашни тавсия этади [10].

Ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги сарфлар таркибини белгилайди. Бунда баъзи сарфлар ката ҳажмга эга, демакки, аҳамиятлироқ, бошқалари эса кам аҳамиятли, шунинг учун бошқаларининг таркибида йириклаштирилган ҳолда ҳисобга олиниши мумкин. Шу сабабли, ишлаб чиқариш сарфларини ҳисобга олишни ташкил қилиш мезонини ажратиб кўрсатиш лозим.

Маҳсулот (иш ва хизмат)лар ишлаб чиқаришга кетган харажатларининг таснифланишини шакллантиришни таъминловчи мезонлар схемаси кўп корхоналар турлари учун мос келади. Лекин, корхона фаолиятининг ўзига хослиги унинг ташкилий тузилиши ва замонавий шароитларда ишлаш мақсадлари сарфларни бошқаришни, корхона фаолиятининг натижаларига таъсир этувчи бошқа омилларни ҳам ҳисобга олишни талаб қилади.

Монопол корхоналар ҳўжалик фаолияти самарадорлигини оширишда иқтисодий кўрсаткичлар тизимини яратиш, эришилган ютуқлар ва фойдаланилмаган имкониятларни баҳолаш, ҳўжалик фаолиятини юритишнинг энг қулай усуллари аниқлаш вазифасини бажаришда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг роли беқиёсдир. Хўжалик жараёнларининг натижасини баҳолаш кўп жиҳатдан бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўйишга боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, 2-сонли БҲМСга мувофиқ, даромадни тан олиш учун қуйидаги мезонлар бажарилиши лозим:

- корхонанинг маҳсулотга эгалик қилиши билан боғлиқ манфаат ва таваккалчиликнинг асосий қисми харидорга ўтказиб берилиши;
- корхона ушбу маҳсулотни одатдагидек ўз мулки даражасида бошқариш ва назорат қилишда қатнашмаслиги;
- тушум миқдорини аниқ белгилаш мумкин бўлиши;
- ушбу жараёнлар билан боғлиқ иқтисодий манбанинг корхонага келиб тушиш имконияти мавжуд бўлиши;
- сарфланган ва кутилаётган харажатлар миқдорини аниқ белгилаш мумкин бўлиши лозим.

Ушбу мезонларнинг ҳисоб тизимидаги аҳамияти шундан иборатки, агар улардан бири бажарилмаса, даромадни тан олиш токи ушбу мезонлар тўлиқ бажарилгунга қадар чўзилади.

Шундан сўнг даромад харидорларга етказиб берилган маҳсулот эвазига келиб тушган пул маблағлари қийматида ўлчанади. Қайд қилиш жоизки, даромадни тан олиш жараёни яқин йилларгача, яъни 2-сонли БҲМС ишлаб чиқилмагунча бирор-бир меъёрий ҳужжат орқали тартибга солинмас эди. Фақатгина счетлар режасига ишлаб чиқилган йўриқномадаги "...даромад маҳсулот (иш, хизмат) сотилгандан сўнг тўлов ҳужжатлари харидорга тақдим этилганда ҳисобда акс эттирилади", деган жумла даромадни тан олишга асос бўлиб хизмат қилар эди. Айтилган даромадни тан олиш тартиби аниқ белгиланган [17].

Мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари даромади ва уни ҳисобга олиш бўйича асосий меъёрий ҳужжатлардан бири - Ўзбекистон Республикасининг "Асосий фаолиятдан олинган даромадлар" номли 2-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ҳисобланади. Мазкур ҳужжатнинг мақсади корхона ва ташкилотларда асосий хўжалик фаолияти даромадлари моҳиятини очиқ бериш ва ҳисобга олиш тартибини аниқлашдан иборатдир. Ана шу стандартга мувофиқ, даромадни тан олиш - маҳсулотга бўлган эгалик ҳуқуқидан кўриладиган манфаат ва хавфнинг харидорга ўтиши натижасида сотувчида амалга ошириладиган жараёндир. Бу жараён маҳсулотнинг нақд пулга сотилганлиги ёки бошқа активларга алмашилганлигини англатади.

Монопол корхоналар фаолияти даромадини ҳисобга олишда уни тан олиш пайтини тўғри аниқлаш ва бунинг учун бажарилиши лозим бўлган мезонлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунда, даромадни бухгалтерия ҳисобида тан олишнинг умумий шартлари - уни хўжалик юритувчи субъектга келгусида иқтисодий манбанинг келиб тушиш имконияти вужудга келганда ва шу манбанинг миқдорини аниқ ва ишончли ўлчаш мумкин бўлганда тан олишдир.

Фикримизча, даромадни ҳисобда тан олиш учун, аввало ҳисобнинг "эҳтиёткорлик" (консерватизм) ва "ҳисоблаш" тамойилларига мувофиқ қуйидаги умумий мезонлар бажарилиши зарур:

- даромад маҳсулот (иш, хизмат) сотилганда, яъни харидорга юқлаб жўнатилгандаёқ тан олиниши;

- хўжалик жараёнларини амалга ошириш натижасида корхонага иқтисодий манфаатнинг келиб тушишига етарли асос бўлиши лозим.

Даромадни ҳисобда акс эттириш - зарурий барча шартлар бажарилганда, яъни маълум хўжалик жараёнларидан кўрилган манфаатни тушум деб ҳисоблашга асос вужудга келганда амалга оширилади. Бунда, бажарилган шартларнинг таркиби муҳим аҳамиятга эга, яъни агар тушум:

- маҳсулот сотишдан кўрилган бўлса - асосий шарт маҳсулотга эгалик ҳуқуқи ва у билан боғлиқ барча таваккалчилик ва манфаатнинг харидорга ўтиши;

- хизмат кўрсатишдан кўрилган бўлса - харидор томонидан ушбу хизмат натижасидан фойдаланиш имконияти яратилганлиги;

- бирор активдан фойдаланиш ҳуқуқини беришдан кўрилган бўлса - асосий шарт бўлиб ушбу активдан фойдаланиш имконияти вужудга келганлиги ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида даромадни тан олишдан мақсад фойда ва харажатларни тўғри аниқлашдир. Шу сабабли, маълум харажатлар эвазига келиб тушиши таъминланган даромадни тан олишга сарфланган барча харажатларни тўғри аниқлаш орқали эришилади [4].

Ушбу жараёнлар билан боғлиқ даромадни тан олиш шартларини "аҳамиятлилик" тамойили талаблари асосида қўллаш зарур: арзимаган харажат элементини тўғри ҳисоблаш имконияти йўқлиги даромадни тан олмаслик сабаблари бўлмаслиги лозим. Монопол корхоналарда маҳсулот сотишдан тушган тушумни тан олишда маҳсулот қиймати иқтисодий манфаат келтиришни таъминлайдиган активлар билан тўланганлиги ва маҳсулотга эгалик ҳуқуқи тўлалигича харидорга ўтган бўлиши зарур. Бу шартларнинг энг оддий кўриниши - сотилган маҳсулот учун харидордан пул маблағларининг келиб тушганлигидир. Шу билан бирга, амалиётда ушбу шартларга мос келмайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради:

- маҳсулот тайёрлаб бериш учун буюртма бўйича корхонага тўлиқ ёки қисман олдиндан тўлов асосида пул маблағлари келиб тушганда - даромад маҳсулотни харидорга етказиб берилгандан сўнг тан олинади;

- рўзнома ва журналларга обуна суммаси обуначига ҳар бир газета сони етказиб берилгандан сўнг йил давомида тан олинади;

- консигнация шартлари, дилер орқали маҳсулот сотилганда - даромад учинчи шахсга маҳсулот етказиб берилгандан сўнг ва энг асосийси, сотувчи ёки дилер томонидан сотилган маҳсулот баҳоси қабул қилинганда тан олинади.

Ушбу ҳолларда даромадни тан олишни кечиктирилишининг сабаби - маҳсулот сотиш жараёнининг даромадни тан олишнинг юқорида келтирилган шартларига тўлиқ мос келмаслигидир, яъни маҳсулот сотиш жараёнининг яқунланмаганлигидир.

Амалиётда, корхона фаолиятида даромадни тан олишнинг бошқа кўринишлари ҳам учраб туради. Айтилик, харидор илтимосига кўра маҳсулотни етказиб бериш вақти кечиктирилади, яъни маҳсулот маълум вақтгача сотувчи корхонада бўлади. Бунда, харидор маҳсулот қийматини тўлашга розилик берди ва маҳсулот-

га эгалик ҳуқуқи харидорга ўтди. Ушбу ҳолатда даромад харидорга маҳсулот етказиб берилмаган бўлсада, қолган шартлар бажарилганли сабабли тан олинади.

Монопол корхоналарда асосий хўжалик фаолияти даромадлари келиб тушган ёки келиб тушиши кутилаётган тушум қиймати бўйича жорий баҳода баҳоланади. Аксарият ҳолларда тушум пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари кўринишида бўлади.

Даромадни тан олишнинг шунга ўхшаш бир қанча тартибларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Энг асосийси, даромадни тан олиш бўйича меъёрий ҳужжатнинг мавжудлиги ҳисобдаги муаммоларни ечишга асос бўлади. Лекин, ушбу меъёрий ҳужжатнинг таркибини ўрганиб чиқиб, баъзи ҳолатлар бўйича фикрлар билдириш мумкин. Корхоналарда даромад шаклланишини тартибга солувчи иккита асосий меъёрий ҳужжат - 2-сонли БҲМС ва “Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низомнинг баъзи ҳолатлар бўйича ўзаро мос келмаслигини кузатиш мумкин. Хусусан, 2-сонли БҲМСда даромад манбаси маҳсулот сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишдан кўрилган даромад ва корхона активларини бошқа хўжалик субъектига фойдаланишга беришдан олинган даромадлар: фоизлар, дивидендлар ва роялти, деб кўрсатилган бўлса, низомнинг «Корхоналар ишлаб чиқариш - хўжалик фаолияти даромадлари рўйхати» номли «В» бўлимида молиявий натижаларнинг шаклланиши бўйича даромад таркиби сотишдан олинган соф тушум, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион даромадлар), молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавқулодда даромадлар деб белгиланган [14].

Меъёрий ҳужжатдаги яна бир камчилик шундан иборатки, маҳсулотни сотишдан кўрилган даромадни тан олиш мезонлари бешта гуруҳда мужассамлашган. Лекин, ушбу жараёнларнинг бошланғич бўғини ҳисобланган сотувчи ва харидор ўртасида тузиладиган ҳуқуқий ҳужжат - шартноманинг мавжудлиги назардан четда қолмоқда. Чунки, даромадни тан олиш имконияти сотилган маҳсулот учун ҳисобланган моддий кўринишидаги ресурсларнинг пул маблағларига осон айланиш шартлари мавжуд ҳолларда вужудга келади. Бунинг учун даромадни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда унинг ҳақиқатдан ҳам ҳосил қилинганлиги, яъни корxonанинг шартнома шартларини бажариши унга даромад олиш ҳуқуқини бериши асосий мезон ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амал қилинаётган ҳисоб тартибларига мувофиқ, корхона фаолиятидаги барча турдаги даромадларини “ҳисоблаш” усули бўйича қайд қилиш белгилан-

ган. Бунда, даромадни тан олиш мезонлари ушбу тамойилнинг амалда қўлланилишини таъминлайди. Шу кунгача иқтисодийетимизда корхоналар фаолиятидаги барча турдаги даромадлар “касса” усули орқали аниқланган.

Хорижий иқтисодчи олимлар фикрича “...корхонага келиб тушган тушум (даромад) икки қисмга бўлинади:

- маҳсулот (иш, хизмат) ва мол-мулкни сотишдан келиб тушган тушум (ушбу тушум таркибидан сотилган активлар таннархи ҳисобдан чиқарилади);

- корхона мулкидан фойдаланганлик учун ҳисобланган даромад: ижара ҳақи, роялти, фоизлар, дивидендлар.

Биринчи турдаги тушум сотиш счетларида ҳисобга олинса, иккинчи гуруҳдагилар эса фойда ва зарарлар таркибида акс эттирилади” [18].

Монопол корхоналарда ҳам даромадлар таркиби шундай белгиланади. Бизнинг фикримизча, бундай белгилиниши халқаро стандартлар талабига мос келсада, унинг фаолият турлари бўйича аниқ таркибини белгилаш ва ҳисобини юритиш имконини беролмайди. Шу сабабли корхона фаолияти даромадини қуйидаги асосий бўлимлар бўйича ҳисобга олиш мумкин:

- маҳсулот сотишдан кўрилган даромад;
- асосий фаолиятнинг бошқа

даромадлари;

- молиявий фаолият даромадлари;
- фавқулодда даромадлар.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, иқтисодийетни эркинлаштириш шароитида ҳар қандай меъёрий ҳужжат хўжалик юритувчи субъектга ривожланган бозор муносабатларига хос бўлган ўзгарувчан хўжалик муносабатларининг барча шароитларида қарорлар қабул қила олишга ёрдам бериши лозим. Бунинг учун, бухгалтерия ҳисобининг меъёрий бошқарув тизимини мамлакатдаги иқтисодий муносабатлар ва уларнинг барча ривожланиш босқичларига мос тизимга айлантириш зарур. Бундай тизимни ташкил қилиш имконияти вужудга келганда бу борадаги меъёрий ҳужжатларнинг вазифаси ҳисоб тизимида тасдиқланган талабларга амал қилинишини назорат қилишдан иборат бўлади. Бизнингча, даромадни ҳисобга олишда унинг миқдорига таъсир кўрсатувчи қуйидаги кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Тушум ёки дебиторлик қарзи миқдори корхоналар ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган баҳодан келиб чиққан ҳолда аниқлаш зарур. Агар шартномада маҳсулот баҳоси кўрсатилмаган ёки келишилмаган бўлса, тушум ўхшаш ҳолатларда худди шундай маҳсулот баҳосига нисбатан аниқланади. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 356-моддаси билан кафолатланган.

2. Маҳсулотни тижорат кредити шартлари асосида сотишдан келиб тушган даромадни баҳолаш тартиби. Монопол корхоналарда маҳсулот сотиш бўйича харидорларга тижорат кредити бериш, жумладан маҳсулот қийматини тўлашнинг бўнак, олдиндан тўлов, тўлов муддатини кечиктириш ва узайтириш усуллари кенг тарқалди.

Бизнинг фикримизча, “Даромад – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг натижасида активларни кўпайиши билан мажбуриятларни камайиши бўлиб, у активларни сотилиши ёки хизматлар кўрсатилиши даврида намоён бўлади ҳамда фаолиятининг ҳисобот даври учун молиявий натижалар ва солиқ базасини аниқлашда асосий манба ҳисобланади”.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни // <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги низом. – Т., 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Асосий фаолиятдан олинган даромадлар” номли 2-сонли БҲМС /Бюллетень “Все для бухгалтера”. – Т.: АбиАУ. 1-банд.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21-сонли БҲМС.
6. Абдусаломова Н. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиётини такомиллаштириш. (DSc) даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф 2019 й.
7. Каримов А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2004 й. – 592 б.
8. Хасанов Б.А., Бабахалов Н.Э. Темир йўл транспорти корхоналарида асосий фаолият харажатлари ҳисобини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. - 106 бет.
9. Калонов М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.д-ри (DSc). дисс...автореф. – Т., 2019. – 19 б.
10. Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти. – Т.: ФАН, 2005 й. - 198 б.
11. Познер Р. Теория монополии // Экономический анализ права / Пер. с англ. под ред. В. Л. Тамбовцева. — СПб.: Экономическая школа, 2004. Т. 1. С. 367-382.
12. <https://www.inventech.ru/lib/micro/micro>.
13. Хорнгрен Ч.Т., Фостер Д.Ж. Бухгалтерский учёт: управленческий аспект – М.: Финансы и статистика, 2001. 651 с.
14. Арнс А., Лоббек Дж. Аудит. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 448 с. -С.49-51.
15. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1996 г. – С.197-198.
16. Алборов Р.А. Управленческий учет в организациях АПК: монография. – Ижевск: ФГБОУ ВО Ижевская ГСХА, 2016 г. – 346 с.
17. Гадоев Э., Югай Л. План счетов бухгалтерского учета финансово-хозяйственной деятельности предприятий: рекомендаций по применению плана счетов с типовыми проводками. Методические пособие. Т.1. – Т.: Издат. дом «Мир экономики и права», 1997 г. –320 с., стр.168.
18. Хвостик Т.В. Практикум по бухгалтерскому (финансовому) учету: учеб. пособ. Россия. – М.: ФОРУМ, 2010. – 176 с.
19. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
20. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.
21. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a24

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Суюнова Зухра Баходир қизи -

Тошкент молия институти докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада аудитнинг энг муҳим бўғинларидан бири сифатида асосий воситалар аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ўрганилган. Аудиторнинг бир қатор ишчи ҳужжатлардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ҳамда аудиторлик таваккали хатарини баҳолашнинг услубий ёндашувлари акс этган. Шу билан бирга, муҳимлик даражасини аниқлаш, аудиторлик ҳужжатлари намуналарини шакллантириш масалалари асосий воситалар аудитини ташкил этиш ва ўтказишга янада оқилона ёндашиш имконини бериши хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: асосий воситалар, аудиторлик далиллар, техник жиҳозлар, аудиторлик танлаш, аудит халқаро стандартлари, аудитнинг умумий режаси, асосий воситалардан фойдаланиш.